

Ҳабибуллоҳ қори Олимжонов халқаро Қуръон мусобақасида 3 ўринни олди



16:17 / 30.10.2021 1777

Маълумки, Қирғизистон Республикаси Бишкек шаҳрида Қуръон ҳофизларининг I Халқаро Қуръони карим мусобақаси бўлиб ўтди.

Мусобақада Ўзбекистон қорилари номидан иштирок этган Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти талабаси Ҳабибуллоҳ қори Олимжонов 11 та мамлакатдан ташриф буюрган қорилар орасида фахрли 3 ўринга муносиб кўрилди.

Мазкур халқаро Қуръон мусобақасининг ғолиблари билан танишинг:

1. Биринчи ўрин: Иброҳим Маллабаев (Қирғизистон)
2. Иккинчи ўрин: Усмон Зулпухаргадиев (Доғистон)
3. Учинчи ўрин: Ҳабибуллоҳ қори Олимжонов (Ўзбекистон) ва Иманали Мирзагелдиев (Қозоғистон).

Ҳабибуллоҳ қорининг ушбу ғалабаси билан муборакбод этамиз.